

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019. Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**УРУНОВА ЗАХРО НИЗОМИТДИНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ДЕФЕКТОЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**УЎК: 811.512.133'373.46:376(043.3)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological Science**

**Урунова Захро Низомитдиновна**  
Ўзбек тилида дефектология терминлари..... 5

**Урунова Захро Низомитдиновна**  
Термины дефектологии на узбекском языке ..... 28

**Urunova Zakhro Nizomitdinovna**  
Defectology terms in Uzbek language ..... 48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works ..... 52

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019. Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УРУНОВА ЗАХРО НИЗОМИТДИНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ДЕФЕКТОЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №.B2021.2.PhD/Fil.1701 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Собиров Абдулхай Шукурович**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Пардаев Азамат Бахронович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.02//30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (+99871) 233-71-44; факс: (+99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (... рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (+99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Н.Кўчимов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

**Ғ.М.Исмоилов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., катта илмий ходим

**Д.С.Худойберганова,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида терминларни ўрганиш, терминологиянинг хилма-хил муаммоларини тадқиқ этиш, айниқса, сўнги даврларда диққатга сазовор масалалардан бирига айланганлиги эътироф этилади. Бу, албатта, бугунги фан ва техниканинг бемисл даражадаги ривож, янги технологияларнинг пайдо бўлиши, турли интегратив фанларнинг юзага келиши, умуман, глобал янгиланиш жараёнларининг табиий натижаларидир. Зотан, илм-фан сифатида умумлаштириладиган билимлар тизимининг замини бевосита терминларда намоён бўлади. Дунёда шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнлари мамлакатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги, ахборот алмашинуви, бошқа соҳалардаги муносабатларига суръат бераётганлиги ҳам сир эмас. Айтиш жоизки, мамлакатлараро ва, демак, тиллараро ана шундай, хусусан, илмий “олиш-бериш” алоқалари мавжуд экан, фан тилининг асосий унсури бўлмиш терминлар муаммосини четлаб ўтиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, “глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди”.<sup>1</sup> Ана шу тарихий нутқдан бошлаб ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ривож, хусусан, ўзбек терминшунослиги тараққиёти тарихида янги босқич бошланди. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” шиори билан юксалаётган Янги Ўзбекистонда терминшунослик муаммоларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукамал тадқиқ этиш энг долзарб масалалар қаторидан жой олди.

Ўзбекистонда ҳеч бир истисносиз, барча соҳаларда бўлаётгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 55-моддасида “Давлат жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг (шахсларнинг) давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта-махсус, профессионал таълим муассасаларида инклюзив шаклда бепул умумий ўрта, ўрта-махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим олишини таъминлаши” алоҳида белгилаб қўйилган.<sup>2</sup> Бундай таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишда ўзбек тилидаги махсус педагогика – дефектология терминологиясининг шаклланиши, бугунги ҳолати, лисоний-маъновий хусусиятлари, тараққиёти муаммоларини монографик аспектда тадқиқ этиш ғоят муҳим ва бугунги кундаги зарурий масалалардандир.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли / Президент Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил 22 октябрь..

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи, 2020 йил 24 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармонлари; Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 11 мартдаги 139-сон “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Терминология масалалари дунё тилшунослигида кенг ўрганилган илмий муаммолардандир. Масалан, рус тилшунослигида А.А.Реформатский, О.С.Ахманова, С.В.Гринёв, А.В.Суперанская, В.М.Лейчик, С.Д.Шелов, Ю.В.Сложеникиннинг ишларини қайд этиш жоиз.<sup>3</sup> Ўзбек тилшуносларидан С.Акобиров, А.Ҳожиев, Р.Дониёров, Ҳ.Дадабоев, А.Мадвалиев, Т.Турсунова, И.Йўлдошев, А.Собиров, З.Мираҳмедова ва бошқаларнинг ишларини тилга олиш мумкин.<sup>4</sup>

<sup>3</sup> Реформатский А.А. Введение в языковедение (Под ред. В.А. Виноградова). – М.: Аспект Пресс, 1996; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966; Гринёв С.В. Введение в терминоведение. –М., 1993; Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. –М.: Наука, 1989; Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. –М.: КомКнига, 2006; Шелов С.Д. Очерк теории терминологии: состав, понятийная организация, практические приложения. – М.: ПринтПро, 2018; Сложеникина Ю.В. Терминология коррекционной педагогики: лексико-семантический аспект: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –М., 2000..

<sup>4</sup> Акобиров С. Терминология ишининг мазмуни ва вазифалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –1964. –№3. –Б.31 – 38; Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. –Тошкент: Фан, 1996; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. –Тошкент: Фан, 1977; Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV вв.: Дисс. ...док. филол. наук. –Ташкент, 1991; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2017; Турсунова Т. Меъморлик терминларининг лексик-грамматик тадқиқи. – Тошкент: Фан,1987; Йўлдошев И. Ўзбек китобат санъати ва терминологияси. – Тошкент: “Turon-iqbol”, 2018; Собиров А.Ш. Термины узбекских народных зрелищ.:Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1988; Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 2010; Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти. Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Ширинова Е.Т. Ўзбек тили банк-молия терминологияси. Филол. фан. б. фалсафа док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020 ва бошқ.

Тилшунослигимизда жуда кўп соҳалар терминологияси монографик аспектда тадқиқ этилган бўлса-да, ўзбек тилидаги дефектология терминлари алоҳида ўрганилмаган. Бу терминосистеманинг таркиби, шаклланиш тамойиллари, тартибга солиш муаммолари каби масалалар тадқиқот объекти бўлган эмас. Ҳатто рус тилшунослигида ҳам мазкур терминосистема яхлит ҳолда фақат биргина номзодлик диссертацияси доирасида ўрганилган. Рус тадқиқотчиси Ю.В.Сложеникинанинг юқорида қайд этилган номзодлик диссертациясида “дефектология” термини “коррекцион педагогика” тарзида номланган, фақат айрим ўринлардагина “дефектология” термини қўлланган. Шу боис ҳам ўзбек тили дефектология терминосистемасини тилшунослик ва дефектология фанидаги сўнгги қараш ва ёндашувлар асосида тадқиқ этиш мазкур интегратив соҳанинг янада ривожига хизмат қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб масалалари: талқин ва тадбиқ” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дефектологик тушунча ва терминларнинг шаклланиш тарихи, прототерминлар, ўзбек тили “дефектология” терминологик майдонининг лексик-семантик хусусиятлари, дефектология терминосистемасининг бойиш манбалари, уларнинг структурал-ясалиш хусусиятлари ва такомиллаштириш масалаларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

руҳий ва жисмоний нуқсонлар, жамиятда уларга бўлган турли муносабатнинг тадрижий ўзгариб бориши тарихини ўрганиш;

ўзбек тилидаги дефектологик тасаввурларни ифодаловчи сўзлар, яъни прототерминларни ёзма манбалар асосида таҳлил қилиш;

ўзбек тили дефектология терминологиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини даврлаштириш;

тилшуносликдаги семантик-функционал майдон назариясига суянган ҳолда ўзбек тили “дефектология” терминологик майдонини тадқиқ этиш;

ўзбек тили “дефектология” терминологик майдонининг микромайдонларини, семантик-таркибий тузилишини ёритиш;

“дефектология” терминологик майдони узвлари орасидаги семантик муносабатларни аниқлаш;

ўзбек тили дефектология терминологиясининг бойиш манбалари ва структурал-ясалиш хусусиятларини ёритиш;

дефектология терминларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тили дефектология терминосистемаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тилидаги дефектология терминларининг лисоний-семантик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ономасиологик, семасиологик, компонент таҳлил, лексикографик, қиёсий-чоғиштира таҳлил ҳамда тавсифлаш усулидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дефектология тиббиёт, физиология, психология, педагогика, лингвистика каби бир қатор фанлар билан ҳамкорликдаги интегратив соҳа бўлганлиги учун мазкур фанлардаги муайян терминларнинг дефектология терминосистемасидан ҳам жой олганлиги ва катта миқдорни ташкил этиши далилланган;

ўзбек тили дефектология терминосистемасининг шаклланиши ва таракқиётида прототерминларнинг алоҳида ўринга эга эканлиги асослаб берилган;

ўзбек тили дефектология терминологиясининг шаклланиши ва ривожланиш тарихидаги даврлар: 1) XX асрнинг 20-йилларигача бўлган давр; 2) XX асрнинг 20-йилларидан ҳозиргача бўлган давр чегаралаб берилган;

дефектология терминларини функционал-семантик майдонга бирлаштирувчи архисеманинг “нормал ривожланишдан оғиш, ривожланишнинг бузилиши ва бу бузилишларни ўнглаш” тарзидаги умумлаштирувчи маънодан иборатлиги, ана шу асосда “дефектология” терминологик майдонининг юзага келиши далилланган;

ўзбек тили “дефектология” терминологик майдонининг 6 та микромайдонга ажралиши, бу микромайдонларнинг ўз навбатида яна ички лексик-семантик гуруҳларга бўлиниши кўрсатиб берилган;

“дефектология” терминологик майдонида лексик-семантик муносабатнинг гипонимия, синонимия, антонимия, омонимия каби турлари намоён бўлиши, аммо гипонимия тилдаги энг фундаментал парадигматик муносабат сифатида алоҳида ўрин тутиши асосланган;

ўзбек тили дефектология терминлари таркибида, айниқса, жисмоний ва руҳий бузилиш, патологияга оид атамалар орасида юнон-лотин тилига оид ўзлашмалар кўпроқ учраши далилланган;

ўзбек тили дефектология терминосистемасида катта қисмни ташкил қилган кўп компонентли бирикма терминларни ихчамлаштириш, айрим хорижий терминларнинг ўзбекча муқобилларини топиш борасидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда чиқарилган илмий-назарий хулосалар олий ўқув юртлари дефектология йўналиши талабаларига ихтисослик фанлари бўйича ўқув терминологик луғатлар тузиш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишга хизмат қилиши далилланган;

ўзбек тилидаги дефектология терминларини изоҳли луғатларда тавсифлаш, махсус ўқув-услубий адабиётларда тўғри қўллаш, изоҳлаш билан боғлиқ хулосалар берилган;

Ўзбек тилидаги мураккаб таркибли дефектология терминларини ихчамлаштириш ва стандартлаштириш бўйича таклифлар берилиб, тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган тадқиқот усулларининг асослилиги, қўйилган муаммонинг аниқлиги, илмий-назарий таҳлилларнинг далилланганлиги, терминлар маъноларининг аниқ манбаларга таяниб изоҳланганлиги, тадқиқот натижалари, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дефектология соҳасига доир тушунча ва терминларнинг шаклланиш тарихи, лексик-семантик майдони ҳамда лексик-семантик гуруҳларининг аниқланганлиги, бу соҳа терминларини ўзбекчалаштириш, мураккаб терминларни ихчамлаштириш ва стандартлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан, терминларга берилган изоҳлардан, конкретлаштирилган дефектологик тушунчалардан таълимнинг турли бўғинларида фойдаланиш мумкинлиги, дефектология бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълимда сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика, логопедия каби йўналишлар бўйича ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, шунингдек, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олий маълумотли дефектолог, шунингдек, филолог мутахассислар тайёрловчи ўқув юртиларида “Дефектология терминологияси муаммолари”, “Ўзбек тили терминологияси” каби махсус курсларни ташкил қилишда тадқиқот натижалари фойдали материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилидаги дефектология терминларининг лисоний хусусиятларини ўрганиш асосида:

Ўзбек тилидаги дефектология терминларининг семантик структураси юзасидан асосланган назарий хулосалар, ҳозирги ўзбек тилидаги 20 дан ортиқ термин (*дудуқ, кар, соқов, одамовилик, дефектология, логопед, логопедия, сурдолог, сурдопедагогика, қулоғи оғир (лик), тили чучук (лик), шизофрения, гунглик* каби)нинг маъноларига берилган лексикографик изоҳлардан лотин ёзувидаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да фойдаланилган (ЎзР ФАнинг 2021 йил 10 июндаги 3/1255-1704-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида луғат янги терминлар билан бойиган, мавжуд терминларнинг лексикографик изоҳлари мукаммаллашган, маъно оттенкалари конкретлашган;

Ўзбек тили дефектология терминларининг таҳлили билан боғлиқ хулосалардан ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2017-2020 йилларда амалга оширилган “Ўзбек тилининг мустақиллик даври таракқиёти” фундаментал лойиҳасида терминларнинг илмий услубни шакллантиришдаги ўрнини очиб беришда фойдаланилган (ЎзР ФАнинг 2021

йил 10 июндаги 3/1255-1704-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг алоҳида йўналиши бўлган илмий услуб қисми янги қарашлар билан бойиган.

Ўзбек тили дефектология терминларининг шаклланиш тарихи, терминлар таркиби ва уларнинг маънолари, соҳа терминларининг мактабгача таълим, мактаб таълими ва олий таълим тизимида қўлланиши ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телеканалида эфирга узатилган “Тил зийнати”, “Замонавий таълим” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2021 йил 16 июндаги 01-15/119-сон маълумотномаси). Илмий натижалар татбиқи кўрсатувларнинг илмий-оммабоплигини, илмий натижаларга асосланганлигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 1 та республика ва 3 та халқаро конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 3 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан 2 таси республика, 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 128 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Дефектология тушунчалари ва терминларининг шаклланиш тарихи”** деб номланган биринчи боби дефектология соҳасига дахлдор тушунчаларнинг юзага келиши ва номланиши тарихини ўрганишга бағишланган. Бу бобнинг биринчи қисми **“Психофизиологик нуқсонлар ва уларга муносабат”** деб номланган. Маълумки, инсоният ўзини англай бошлаган энг қадимги даврлардан бошлаб ҳам жисман, ҳам руҳан расоликка интилиб яшайди. Шубҳасиз, инсоннинг олами идрок этишида, унинг туганмас синоатлари, мантиқ ва мантиқсизлик жумбоқларини тасаввур қилишида соғлом жисми, теран ақл-идроки; одамлар ўртасидаги турфа муносабатларни ифодалашда тили асосий қуролдир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон ҳаётда оладиган ахборотларнинг 80-90

фоизини кўзи орқали олади.<sup>5</sup> Атоқли немис олими В.фон Гумбольдт ҳиссий сезгилар ҳақида гапираркан, “кўз ақлга муайян даражадаги тайёр материал бериши”ни, кулоқ эса инсонга нисбатан анчайин шаклланмаган сезгилар беришини қайд этади.<sup>6</sup> Буни инобатга олган тиббиёт олими О.Сакс ҳам “эшитиш қобилятисиз (кар-соқов) туғилиш кўриш қобилятисиз туғилишдан минг чандон оғир” эканлигини эътироф этади.<sup>7</sup>

Маълумки, дунёда рухий ва физиологик нуқсонли болаларнинг мавжудлиги ва уларга муайян ёрдам кўрсатиш йўллари излаш эҳтиёжи дефектология фани (олигофренопедагогика, тифлопедагогика, сурдопедагогика, логопедия ва бошқа йўналишлар)нинг юзага келиши ва ривожланишини тақозо этган.

Дунёда дефектология илмининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жуда мураккаб, қадим ва бой тарихга эга. Бу фаннинг бугунги муаммолари ва истиқболлари тадқиқига бағишланган йирик монография муаллифларидан бири Е.Н.Горина қайд этганидек, “дефектологик таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялашда соғлиқ имкониятлари чекланган болаларни ўқитиш назарияси ва амалиётида икки ярим минг йилдан ортиқ бир муддатда тўпланган дунё тажрибасини инобатга олмоқ керак. Черков ва дунёвий шафқат уйларидаги тарбиядан, индивидуал ўқитиш уринишларидан махсус таълим тизими мажмуаси яратилгунига қадар бўлган катта йўл босиб ўтилган”. Дефектолог-олима фикрларини давом эттирар экан, бу йўлнинг бошларида жамият аъзоларида карликнинг табиати, оғзаки нутқни сунъий шакллантириш имкониятлари ҳақидаги илмий билимларнинг йўқлиги кўп асрлар мобайнида оғзаки нутққа эга бўлмаган кар одамларнинг юридик ҳуқуқларининг поймол қилинишига олиб келганлигини, ақлий қолоқлик ҳақидаги зарурий илмий тасаввурларнинг йўқлиги оқибатида бундай кишиларга нисбатан қатъий салбий муносабат юзага келганлиги ва уларнинг яққалаб қўйилганлигини айтади.<sup>8</sup>

Маълумки, “кишилик жамияти ўз тараққиётининг барча босқичларида у ёки бу жисмоний ёки рухий камчиликлари бўлган шахсларга лоқайд муносабатда бўлган эмас. Бундай аномал шахсларни сезмаслик, кўрмаслик мумкин бўлмаган, чунки уларга алоҳида эътибор керак бўлган.”<sup>9</sup>

Табиийки, дунё тарихида аномал шахсларга нисбатан салбий муносабат ижобийга қараб кескин ўзгариб борган. Масалан, турли даврларда айрим динларда ақли заиф болалалар “иблиснинг болалари”, бошқаларида “худонинг болалари” ёки “худонинг одамлари”, “авлиёнамо одамлар” сифатида қаралиб, муносабатда бўлинган.<sup>10</sup>

Жисмоний ёки рухий ноқисликнинг ҳар қандай кўринишига дастлабки жамиятларда турли ишонч-эътиқод ва бошқа омиллар билан боғлиқ ҳолатда

<sup>5</sup> Кар.: Мухортова Д.Д. Тифлопедагогика, история развития от начала и до нашего времени / Образование и воспитание. Международный научный журнал. – Казань. – № 1 (06). – 2016. – С.14-15.

<sup>6</sup> Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – С.78.

<sup>7</sup> Сакс О. Зримые голоса. – М.: АСТ, 2014. – С.10,13.

<sup>8</sup> Дефектология: современные проблемы и перспективы развития. – Саратов: изд-во СГУ, 2014. – С.8-9.

<sup>9</sup> Замский Х.С. Умственно отсталые дети. – М.: Академия, 2008. – С.12.

<sup>10</sup> Замский Х.С. Кўрсатилган асар. – Б.16.

мурасиз, кескин салбий муносабат мавжуд бўлган. Ҳатто “кар-соқовлик – худонинг берган жазоси” деган фикр уларга бўлган салбий муносабатни намоён қилган.<sup>11</sup> Аммо таъкидлаш лозимки, жамиятлар ривожланиб боргани сари кишиларнинг имконияти чекланган одамларга бўлган муносабати ҳам эволюцион тарзда ўзгариб, шафқатлилашиб борган.<sup>12</sup>

Бизнинг юртимизда ҳам эскидан бундай жисмоний ва руҳий нуқсонли кишиларга нописандлик, таҳқир кўзи билан қараш мақбул ҳисобланмаган, уларга шафқатли, ижобий муносабатда бўлиш урфга кирган. Ўзбек тилида қори сўзи “Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва уларни қироат билан ўқувчи шахс” маъносига эга, айти пайтда кўзи ожиз кишиларни ҳурмат юзасидан шу сўз билан аташ ҳам турғунлашган, шунинг учун ҳам бу маъно изоҳли луғатда айти сўзнинг иккинчи маъноси сифатида қайд этилган.

Ақли ноқис кишиларни кўп ҳолларда *авлиё*, *авлиёхон* каби сўзлар билан номлаш анъана тусини олганки, шу тарзда ақли ноқисликни очиқча ифодалашдан қочилган. Масалан, А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида деволага нисбатан айти сўз қўлланган.

Хуллас, инсонларда кузатиладиган психофизиологик нуқсонлар доимо кишилар эътиборини ўзига тортган, бундай шахсларга бўлган муносабат йиллар ўтган сари ижобий томонга ўзгариб борган.

Дефектология тушунчалари ва терминларининг шаклланиш тарихи ҳақида гапирганда, аввало, “дефектология” терминининг юзага келиши масаласига эътибор қаратиш жоиз. Мазкур термин, айтиқса, рус фанида энг кенг тарқалган ва узоқ вақт қўлланишда бўлган. Мутахассислар бу терминнинг рус фани амалиётида юзага келганлигини, унинг муаллифи В.П.Кашенко эканлигини қайд этишади. Олимнинг 1910 йилда ёзган “Мактаб ёшидаги дефектив болалар ва умумий ўқитиш” номли рисоласида, унинг иштироки ва таҳрири остида 1912 йилда нашр этилган “Дефектив болалар ва мактаб” тўпламида ушбу термин қўлланган. “Дефектология” термини лотин тилидан айтиан ўгирилганда “дефект (нуқсон) ҳақидаги таълимот” деган маънони ифодалайди. Бу термин XX асрнинг 70-йилларида рус олимлари томонидан “жисмоний ва руҳий нуқсонли (кар, заиф эшитувчи, кўр, заиф кўрувчи, ақлий қолоқ, логопат, ҳаракатида бузилишлари бор ва бошқалар) болалар ривожланишининг психофизик хусусиятлари, уларни тарбиялаш, таълимли қилиш ва ўқитишнинг қонуниятлари ҳақидаги фан” сифатида таърифланган.<sup>13</sup> Шуни таъкидлаш жоизки, турли концептуал ёндашувлар, ҳар хил гуманистик мулоҳазаларга қарамай, “дефектология” термини ҳанузгача илмий ва таълимий истеъмолда бўлиб келмоқда.

Кейинчалик дефектология фани доирасида махсус педагогика шаклланган, XX асрнинг 90-йиллари бошида “коррекцион педагогика”

<sup>11</sup> Қар.: Басова А.Г., Егоров С.Ф. История сурдопедагогика. –М.: Просвещение, 1984. – С.8.

<sup>12</sup>Қар.: Екушевская А.С. Историческая эволюция отношения общества к человеку с ограниченными возможностями // Историческая и социально-образовательная мысль. – Краснодар, 2014. –№5 (27). – С.308-311.

<sup>13</sup> Бу ҳақда қар.: Назарова Н. М., Аксенова Л. И., Богданова Т. Г., Морозов С. А. Специальная педагогика (Под ред. Н. М. Назаровой. 11-е изд., перераб). – М. : Издательский центр «Академия», 2013. – С.24-25.

термини пайдо бўлган.<sup>14</sup> Бугунги кунда “дефектология” термини ҳамда илмий адабиётларда ва педагогик амалиётда зикр қилинганлардан ташқари яна бир қатор терминлар қўлланади, Хусусан, “даволовчи педагогика” (“лечебная педагогика”), “ортопедагогика”, “реабилитацион педагогика” (“реабилитационная педагогика”) кабилар. Мутахассислар, масалан, рус дефектологи Н.Назарова таъкидлаганидек, бу терминларнинг барчаси алоҳида таълимга эҳтиёжманд одамларга педагогик ёрдам кўрсатиш тизими доирасида фойдаланилишига қарамасдан, улар моҳиятан синонимлар эмас, чунки ҳар бирининг заминида турли концептуал ёндашувлар, шунингдек, турли гуманистик мулоҳазалар ётади.<sup>15</sup>

Мазкур бобнинг “**Дефектологияга оид прототерминлар**” номли иккинчи қисми туркий тилда дефектология соҳасига оид тасаввурларни ифодаловчи сўзлар таҳлиliga бағишланган. Таниқли рус терминшуноси С.В.Гринев-Гриневиц терминларнинг келиб чиқишидаги тарихий жараёнлар ҳақида шундай ёзади: “Диахроник тадқиқотларнинг (терминшунослик борасидаги) бошланғич нуқтаси терминологик лексиканинг юзага келиш вақти бўлиши керак. Агар тушунча дастлаб фаннинг пайдо бўлиши билан юзага келган деган тахминдан келиб чиқиладиган бўлса, терминларнинг, яъни тушунчалар номларининг пайдо бўлишини ҳам фаннинг пайдо бўлиши билан боғлаб талқин қилиш шарт.”<sup>16</sup> Терминшунос айти пайтда айрим тадқиқотчилар билимлар тараққиётининг фангача бўлган даврини ҳам ажратиб кўрсатишларини, улар “протоилмий билимлар” номлари ўлароқ “прототерминлар” (лотинча *protos* – “энг биринчи, анча олдинги”) мавжудлигини эътироф қилиш заруриятини таъкидлайди. Терминшунослик фанида “прототермин” терминини қўллаш урфга кирган. Албатта, тилдаги муайян илмга дахлдор терминлар ўрганилар экан, мазкур фан шакллангунига қадар даврда мавжуд бўлган прототерминларни ҳам унутмаслик лозим.

Нутқий камчиликлар, нуқсонларни номловчи сўзлар, тўғрироғи, прототерминлар турли тилларда мавжуд. Қадимги туркий тилда ҳам руҳий ва физиологик нуқсонни ифодаладиган сўзлар мавжуд бўлган. Масалан, XI аср алломаси Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида “соқов, лол” маъносидаги *агин* сўзи қўлланган: *Ўқуш сўзласа, йангшади тер тилиг, Яна сўзламаса, агин тер тилиг* (“Кўп сўзласа, тили эзмаланди, Сўзламаса-чи, тил соқов дейилади”) Асарда “соқов қилмоқ” маъносида *агин қилмоқ* феъли ҳам учрайди: *Кишиг сўнгдамагил, тилинг қил агин*<sup>17</sup> (“Кишини ғийбат қилма, тилингни гунг лол қил”). Бу сўз бугунги тилимизда йўқ.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида *аган* сўзи ҳам қайд этилганки, унинг маъноси “димоғ билан гапирадиган, пингиллаб, манқаланиб гапирадиган” тарзида тавсифланади. Ушбу луғатда дудуқланиб, тутилиб гапирадиган одамни номлайдиган *кефгак* сўзи ҳам қайд этилган.<sup>18</sup>

<sup>14</sup> Қар.: Чеканова М.В. История специальной педагогики / Молодой учёный. Педагогика: традиции и инновации. Материалы VII Международной научной конференции. – Челябинск, 2016. – С.94.

<sup>15</sup> Назарова Н. М., Аксенова Л. И., Богданова Т. Г., Морозов С. А. Кўрсатилган манба. – Б.20.

<sup>16</sup> Гринев-Гриневиц С.В. Терминоведение. – М.: Академия, 2008. – С.179-180.

<sup>17</sup> Қар.: Содиков К. “Қутадғу билиг” сўзлиги. – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б.39.

<sup>18</sup> Қар.: Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969. – С.17, 294.

Шунингдек, сўзлашнинг сифатини ифодалайдиган “минғирламоқ, ғўлдирамоқ” маъносидаги *кунгранмоқ*; “дудукланмоқ” маъносидаги сўз *кермак* ибораси ҳам берилган.<sup>19</sup>

Култегин ёзма ёдгорликларида *эшитмоқ* феъли *эшидмак* фонетик вариантыда учрайди: *Бу сабимин эдгути эшид*, яъни: “Менинг бу сўзларимни яхшилаб эшит.”<sup>20</sup> Диссертацияда мазкур манбалардаги бошқа сўзлар ҳам, шунингдек, Алишер Навоий, Бобур каби улкан сўз усталари асарларида қўлланган прототерминлар ҳам таҳлил қилинган. Ушбу сўзлар дефектологик тасаввурларни ифодаловчи бирликлар сифатида ўзбек тилидаги дефектологик терминларнинг шаклланиши учун замин ҳозирлаган.

Мазкур бобнинг “**Дефектология терминларининг шаклланиши**” деб номланган учинчи қисмида ўзбек тилида айти терминосистеманинг шаклланиш жараёнлари тадқиқ этилган.

Ўзбек тили дефектология терминологиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихида қуйидаги икки даврни фарқлаш мақсадга мувофиқ: 1) XX асрнинг 20-йилларигача бўлган давр; 2) XX асрнинг 20-йилларидан ҳозиргача бўлган давр. Биринчи давр психофизиологик нуқсонлар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва прототерминларнинг қўлланиши, бу нуқсонларга хилма-хил муносабатларнинг намоён бўлиши, яъни дефектология шаклланишининг замини сифатида характерланиши мумкин.

Маълумки, 1920 йилда Ўзбекистонда ногирон болалар – кар-соқовлар, кўзи ожизлар, ақли заифлар учун дастлабки мактаб-интернат очилган, 1929 йилда эса Й.Охунбобоев ташаббуси билан заиф кўрувчи болаларни кар-соқовлардан ажратиб ўқитиш бўйича амалий ишлар олиб борилган. Шу тариқа дефектологик таълим ва дефектология фани ривожлана борган. А.Нурмахонова томонидан кўзи ожизлар учун қорақалпоқ тилидаги Брайль алифбоси ишлаб чиқилган.<sup>21</sup> 1967 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда Низомий номидаги педагогика институтида олий маълумотли дефектологлар тайёрловчи факультет ташкил этилган. Албатта, бу масканда яратилиб келинаётган соҳага оид дарслик ва қўлланмалар, терминологик луғатлар дефектология терминларининг такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Дефектология соҳаси тараққиётида терминларнинг қўлланилиши билан боғлиқ мақбул бўлмаган айрим ҳолатлар ҳам кузатилади. Масалан, 1920 йилларда ривожланишида у ёки бу камчиликлари мавжуд бўлган болаларга нисбатан “нонормал болалар”, 1930 йилларда “муаммоли болалар”, “аномал болалар”, кейинчалик “ривожланишида камчилиги бўлган болалар”, “руҳий ва жисмоний ривожланишида камчилиги бўлган болалар” ва “имконияти чекланган болалар”, “психофизик жиҳатдан ўзига хос ривожланишга эга бўлган болалар” каби терминологик ифодалар ишлатилган<sup>22</sup>.

<sup>19</sup> Шу манба. – Б.328, 511.

<sup>20</sup> Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969. – С.185.

<sup>21</sup> Батафсил қар.: Утебаева А. Некоторые сведения из истории развития тифлопедагогике в Республике Каракалпакстан / Территория науки. – Воронеж, 2017. – № 4. – С.181.

<sup>22</sup> Лубовский В.И., Валявко С.М. Терминологические проблемы специальной психологии и специальной педагогики // Культурно-историческая психология. Том 6. – М.: МГППУ, 2010. – № 1. – С. 50-55.

Албатта, ҳар қандай фанга оид терминлар каби дефектология соҳаси терминлари ҳам йиллар ўтиши билан такомиллашиб бормоқда. Ушбу соҳа терминларининг хусусиятлари ўрганилар экан, дефектология фанининг шаклланиш тарихини четлаб ўтиб бўлмайди. Бу ўринда терминшунос А.Мадвалиевнинг қуйидаги фикрлари алоҳида эътиборга молик: “Терминология муайян фаннинг тушунчалар тизими билан боғлиқ бўлган терминлар тизими сифатида таърифланиши мумкин. Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар мувофиқ келади. Терминологик тизимларнинг ривожланиши бевосита фан тараққиёти билан бирга кечади. Бундан ташқари, умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда терминлар илмий ва амалий муомалага онгли равишда олиб кирилади.”<sup>23</sup>

Табиий равишда, муайян фан, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар ўзига ёндош бошқа фанлар билан яқин муносабатда, ҳатто интегратив алоқада бўлади. Бу ҳолат мазкур фаннинг терминологиясига ҳам таъсир кўрсатади. Интегратив алоқа натижасида муайян терминосистемага бошқа фанлар терминлари кириб келади. Таниқли рус терминшуноси С.В.Гринев махсус терминологик майдоннинг таркиб топиши ва ривожланиши нуктаи назаридан терминларни “ўз” (“собственные”) ва “жалб қилинган” (“привлеченные”) тарзида фарқлашни таклиф қилади.<sup>24</sup> Рус тилшунослигида биринчи марта дефектология терминларини лексик-семантик аспектда тадқиқ қилган Ю.В.Сложеникина мазкур таклифни маъқуллаган ҳолда дефектология терминологиясидаги жалб қилинган терминларни мазмунан ва соҳавий дахлдорлиги жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратган: а) лингвистик (лисоний меъёр ва нутқий фаолият, нутқнинг тузилиши, турлари, элементлари ҳақидаги тушунчалар билан боғлиқ терминлар: *нутқ, алифбо, товуш*); б) тиббий (аномалияларнинг сабаблари, белгилари, келиб чиқиш механизминини ифодалайдиган терминлар: *абулия, гипокинезия, гидроцефалия*); в) психологик (аномал боланинг психик фаолиятига таъсир қилишнинг усуллари ва методлари, хусусиятлари, ҳодисаларини тавсифловчи терминлар: *гетеросуггестия, психотерапия, психогигиена*); г) педагогик (дефектив болаларни коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш унсурларини номловчи терминлар: *маишқ, ҳикоя, қайта ҳикоя*).<sup>25</sup> Олима қайд этган ушбу тасниф соҳа терминологиясининг моҳиятини тўғри тасаввур қилиш имкониятини беради.

Маълумки, ҳар бир соҳа терминларига муайян прагматик талаблар қўйилади: 1) жорийланганлик, яъни терминнинг мутахассислар, илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги; 2) байналмилаллиги, яъни терминларнинг бир неча (учтадан кам эмас) миллий тилда мазмунан бир-бирига мос, шаклан бир хил ёки яқин бўлиши; 3) терминнинг замонавийлиги, яъни эскираётган терминларни янгилари билан алмаштириш; 4) терминнинг

<sup>23</sup> Мадвалиев А. Термин ва терминография хусусида / Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2017. – Б.28.

<sup>24</sup> Гринёв С.В. Введение в терминоведение. – М., 1993. – С.63.

<sup>25</sup> Сложеникина Ю.В. Терминология коррекционной педагогики: лексико-семантический аспект: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2000. – С.6 -7.

оҳангдорлиги, яъни талаффузга қулай бўлиши, айти пайтда термин бошқа нохуш ассоциацияларни юзага келтирмаслиги керак. Шунингдек, айрим соҳаларда, масалан, тиббиётда терминнинг эзотериклиги (атайлаб тушунарсизроқ қилиниши) ҳам ўрни билан керак бўлади (масалан, русчада *рак* термини ўрнида *новообразование* сўзини қўллаш). Санаб ўтилган талаблар дефектология терминологиясига ҳам бевосита дахлдор. Хусусан, дефектологияда ҳам эзотерикликни талаб қиладиган ҳолатлар мавжуд.

Тадқиқотнинг **“Ўзбек тили “дефектология” терминологик майдонининг лексик-семантик хусусиятлари**” деб номланган иккинчи бобида айти соҳа терминосистемаси семантик майдон назарияси асосида тадқиқ этилган. Бобнинг биринчи қисмида **“Тилшуносликда терминологик майдон талқинлари**” масаласи ўрганилиб, семантик ва терминологик майдонлар ҳақидаги мавжуд қарашлар таҳлил қилинган.

Ўзбек тилшунослигининг атоқли намояндаси М.Миртожиев дунё семасиологиясидаги тадқиқотларни, асосан, тўрт йўналишга ажратиб, улардан бирини “лексик маъноларни семантик майдонларга ажратиш йўналишида тадқиқ этиш” сифатида белгилаган эди.<sup>26</sup> Дарҳақиқат, тилдаги мавжуд лексик бирликларни семантик майдонга бирлаштириб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо ҳар қандай тилнинг луғат таркибидан умумий лексика билан бирга, махсус лексика ҳам ўрин олади. Терминлар муайян фан соҳасининг махсус бирликлари сифатида мазкур фандаги мавжуд илмий тушунчаларни ифода этар экан, улар одатдаги лексик майдондан фарқли ўлароқ, терминологик майдонга бирлаштирилиб ўрганилиши лозим. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ўзбек тилидаги дефектология терминларини ҳам *терминологик майдон* сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур бобнинг **“Ўзбек тили “дефектология” терминологик майдонининг семантик-таркибий тузилиши**” деб номланган иккинчи қисмида айти терминологик майдоннинг дефектология фанига оид тушунчалар тизими асосида шаклланиши ва тизимдаги терминлар муносабатини ҳам акс эттириши асосланган. Маълумки, терминологик майдон таркибидан ўрин олиши учун терминларнинг семантик таркибида бирлаштирувчи умумий белги, яъни архисема бўлиши тақозо этилади. Жумладан, “дефектология”, шунингдек, “махсус (коррецион) педагогика” терминлари тавсифи уларнинг семантикасида “нормал ривожланишдан оғиш, нормал ривожланишнинг бузилиши, ана шу бузилишларни ўнглаш” тарзидаги умумлаштирувчи маъно, яъни архисема етакчилик қилишини кўрсатади. Дефектологияга оид терминларнинг барчаси айти шу архисема асосида “дефектология” терминологик майдонига бирлашади.

Қатор терминшунослар терминологик майдонларни микромайдонларга, субмайдонларга, лексик-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганишади. Рус тилидаги коррецион педагогика терминологиясини лексик-семантик аспектда тадқиқ этган Ю.В.Сложеникина мазкур терминологик майдон доирасида қуйидаги бешта лексик-семантик гуруҳни қайд этади: а) махсус

<sup>26</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2010. – Б.5-15.

педагогиканинг илмий йўналишлари; б) коррекцион-педагогик жараён иштирокчилари; в) патология номлари; г) патология белгилари (симптомлари); д) коррекцион таъсир методлари ва усуллари.<sup>27</sup>

Ўзбек тилида “нормал ривожланишдан оғиш, нормал ривожланишнинг бузилиши ва ана шу бузилишларни ўнглаш” тарзидаги умумлаштирувчи маънодан иборат архисема асосида таркиб топган “дефектология” терминологик майдонини макромайдон сифатида баҳолаб, уни қуйидаги микромайдонларга ажратиш мақсадга мувофиқ: 1) дефектологик илмий-педагогик йўналишлар, фанлар ва умумдефектологик тушунчалар номлари микромайдони; 2) эшитиш билан боғлиқ бузилишлар ва уларни ўнглаш, яъни сурдопедагогика микромайдони; 3) кўриш билан боғлиқ бузилишлар ва уларни ўнглаш, яъни тифлопедагогика микромайдони; 4) ақлий қолоқлик ва уни ўнглаш, яъни олигофренопедагогика; 5) нутқий бузилишлар ва уларни тузатиш, яъни логопедия микромайдонини; 6) овоз бузилишлари ва уларни ўнглаш, яъни фонопедия микромайдони.

Айрим тадқиқотчилар биринчи микромайдонни микромайдон эмас, балки лексик-семантик гуруҳ сифатида баҳолаб, унда тўрт аспектни ажратиш мумкинлигини қайд этишади. Яъни педагогик аспектда *логопедия* ва унинг бўлимлари, *олигофренопедагогика*, *сурдопедагогика*, *тифлопедагогика*, *тифлосурдопедагогика*; психологик аспектда *махсус психология*; техник аспектда *сурдотехника*, *тифлотехника*; график аспектда эса *тифлографика* терминлари назарда тутилиши кўрсатилади.<sup>28</sup> Бу майдондан умумдефектологик тушунчаларни ифодалайдиган *дефект* (ёки *нуқсон*), *аномал ривожланиш // дизонтогения*, *аномал болалар // жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар // жисмоний ва руҳий ривожланишида муаммоси бўлган болалар // имконияти чекланган болалар // саломатлиги чекланган болалар, патология, коррекциялаш* каби терминлар ҳам жой олади.

Иккинчи микромайдон, яъни сурдопедагогика микромайдонида 4 та лексик-семантик гуруҳни ажратиш мумкин: 1. Коррекцион-педагогик жараён иштирокчиларини билдирувчи терминлар: *эшитишида нуқсонли бор болалар, кар болалар, заиф эшитувчи болалар, сурдопедагог* каби. 2. Эшитиш билан боғлиқ бузилишлар номларини билдирувчи терминлар: *карлик, кар-соқовлик, қулоғи оғирлик, сурдомутизм // ўткинчи кар-соқовлик // муваққат кар-соқовлик* (қаттиқ кўрқув ёки бошқа фавқулодда таъсир натижасида вақтинча қулоқдан ҳам, тилдан ҳам қолиш), *ўрта қулоқ аномалиялари* каби. 3. Эшитиш меъёрларига дахлдор тушунчаларни ифодалайдиган терминлар: *қулоғи оғирликнинг даражалари, эшитиши қобилияти, эшитиши қолдиги* каби. 4. Коррекцион таъсир методлари, усуллари ва воситаларини ифодаловчи терминлар: *аудиология, аудиометрия, эшитиши қобилиятини аудиометрия қилиш, дактилография, имо-ишора нутқи, кохлеар имплантлаш // кохлеар*

<sup>27</sup> Сложеникина Ю.В. Терминология коррекционной педагогики: лексико-семантический аспект: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2000. – С.9-10.

<sup>28</sup> Сложеникина Ю.В. Кўрсатилган тадқиқот. – С.10.

*имплантация, лабдан ўқиш, глобал ўқиш, эшитиш протезлари, эшитиш қобилияти* каби.

Диссертацияда кейинги микромайдонлар ҳам ана шундай тўртта лексик-семантик гуруҳга ажратилиб батафсил таҳлил қилинган.

Бобнинг учинчи қисмида “**Ўзбек тили “дефектология” терминологик майдони узвлари орасидаги семантик муносабатлар**” масаласи тадқиқ этилган. Ҳар қандай терминосистема таркибидаги бирликлар бир-бири билан гипонимия, антонимия, синонимия, партонимия, омонимия каби муносабатлар асосида ўзаро боғланади. Инглиз тилшуноси Ж.Лайонз гипонимияга тавсиф берар экан, унинг “энг фундаментал парадигматик мазмуний муносабатлардан бири эканлигини, тилнинг луғат таркиби айти шундай муносабатлар воситасида таркиблаганлигини” таъкидлайди.<sup>29</sup>

Ўзбек тили “дефектология” терминологик майдонида ҳам гипонимия алоҳида ўрин тутаети. Масалан, *дефектология* гипероними қуйидаги 5 та гипонимни ўзида бирлаштиради: *сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика, логопедия, фонопедия*. Семантик жиҳатдан гиперонимдаги “психофизиологик нуқсон” ва “нуқсонни коррекциялаш” семалари ҳамда гипонимлардаги “эшитишдаги нуқсон” ва “эшитишдаги нуқсонни коррекциялаш”, “кўришдаги нуқсон” ва “кўришдаги нуқсонни коррекциялаш”, “ақлий-руҳий нуқсон” ва “ақлий-руҳий нуқсонни коррекциялаш”, нутқий нуқсон” ва “нутқий нуқсонни коррекциялаш”, “овоздаги нуқсон” ва “овоздаги нуқсонни коррекциялаш” семалари бирлаштирувчи семалар вазифасини ўтайди. Гипонимлар – *сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика, логопедия, фонопедия* терминлари семантикасидаги “эшитиш”, “кўриш”, “ақлий-руҳий”, “нутқ” ва “овоз” семалари эса мазкур гипонимларда фарқловчи семалар вазифасини бажаради.

“Дефектология” терминологик майдонида терминлар орасидаги жинс – тур муносабати ҳам намоён бўлади. Поғонали муносабатнинг энг юқори сатҳида турган термин, яъни гиперонимнинг маъноси тегишли илмий тушунча ифодаси қуйи поғонага тушиб боргани сари гипоним-терминларда босқичма-босқич конкретлашиб боради.

Терминологиядаги муҳим, аммо мунозарали масалалардан яна бири синонимиядир. Одатда синонимия тилнинг ифода имкониятларини кенгайтирувчи, унинг эмоционал-экспрессив ва эстетик таъсир қувватини оширувчи манба ҳисобланади. Аммо терминологик тизимда синонимиянинг керагидан ортиқ кўп бўлишидан тийилиш, синонимларнинг муайян меъёр доирасидан чиқиб кетмаслигини ҳамиша эътиборда тутиш мақсадга мувофиқ. Баъзан икки терминнинг маъноси бир-бирига яқин ёки умумий бўлади ва шунга кўра улар синоним сифатида баҳоланиши табиий. Масалан, *қулоги огирлик* ва *заиф эшитувчилик* терминларида “етарли даражада яхши эшитмаслик” маъноси мавжуд. Шундан келиб чиқиб, мазкур икки термин синоним сифатида баҳоланади. Бу икки терминнинг рус тилидаги муқобили *тугоухость* ва *слабослышащий*дир. Рус сурдопедагоги Л.В.Андреева тўғри

<sup>29</sup> Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. – М.:Прогресс, 1978. – С.478.

таъкидлаганидек, эшитишда қисман бузилиши бўлган болаларни тавсифлашда амалий оториноларингологияда *тугоухий* (*қулоғи оғир*) терминидан фойдаланилади, сурдопедагогикада эса *слабослышащий* (*заиф эшитувчи*) термини қўлланади.<sup>30</sup> Демак, мазкур терминлар ўзаро синоним эмас деб қаралиши керак. Аммо дефектология фанининг медицина ва бошқа фанлар билан интегратив соҳа эканлиги инобатга олинса, мазкур терминларнинг ўзаро синонимлар сифатида баҳоланиши янглиш бўлмайди.

